

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. 2018 йил январь-мартида барча транспорт турлари томонидан 11,3 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 2,6 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 344,9 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 4,6 фоизга камайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 йил январь-маргга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
--	---------------------------------	--

Ташилган юк, млн. тн	11,3	102,6
-----------------------------	-------------	--------------

шу жумладан:

автомобил транспортида	11,3	102,6
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	344,9	95,4
---------------------------------	--------------	-------------

шу жумладан:

автомобил транспортида	344,9	95,4
------------------------	-------	------

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2017 йил январь-маргга нисбатан 103,8 фоизга кўпайди ва 230,2 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 66,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-маргда 61,3 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-марта барча транспорт турлари томонидан 67,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 3,4 фоизга кўпайиб, 2197,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	67,0	105,0
шу жумладан:, автомобиль транспортида	67,0	105,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2197,9	103,4
шу жумладан:, автомобиль транспортида	2197,9	103,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,9 фоизга кўпайди ва 1996,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 90,9 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 92,2 фоиз).